
Биография

Суюн Қораев



Суюн Қораев 1925 йилда Сирдарё (ҳозирги Жиззах) вилояти Зомин туманидаги Тамтум қишлоғида таваллуд топди. 1947-52 йилларда Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг география факультетини тугаллаб, 1952-1965 йилларда “Ўқувпеддав нашр” (кейинчалик “Ўқитувчи”) нашриётида муҳаррир, таҳририят мудири лавозимларида, 1966-1984 йилларда Ўзбек энциклопедияси бош таҳририятида бўлим мудири, 1985-1997 йилларда ЎзР Фанлар академияси Тил ва адабиёт ҳамда Тилшунослик институтларида катта илмий ходим бўлиб ишлади. 1998 йилдан ҳозиргача Геодезия ва картография миллий марказида аввал лаборатория мудири, кейинчалик етакчи мутахассис лавозимларида ишлаган.

Суюн Қораев республикамиздагина эмас, балки барча туркийзабон давлатларда ҳам танилган, жой номларини, географик терминларни ўрганишнинг ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатлари чуқур таҳлил этилган ўнлаб монография, луғат, рисола ва қўлланмалар, юзлаб илмий ва илмий-оммабоп мақолалар эълон қилган тиниб-тинчимас олимдир. У ўзининг асосий илмий йўналиши – жой номларини ҳар томонлама ўрганишдан ташқари ўзбек тилининг ривожи, ўзбек тилшунослигининг тараққиёти учун жонбозлик кўрсатиб келган истеъдодли тилшуносдир.

Унинг кўплаб луғатлари, ўнлаб фундаментал асарлари, юзлаб мақолалари олимнинг ўзига талабчанлигини яққол намоён этади. С.Қораев ўзининг монография ва мақолаларида атоқли отлар топонимларнинг олий шакли эканлиги, уларни каталоглаштириш, асраб-авайлаш, қонунлаштириш зарурлиги, жойларга енгил-елпи номлар қўймаслик, топонимларнинг имкон қадар кам компонентли бўлишига эришиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратди. Унинг номзодлик (“Ўзбекистон топонимиясини ўрганиш тажрибаси”, 1969) ва докторлик (“Ўзбекистон ойконимияси”, 1998) диссертациялари ҳам айни шу масалаларга бағишланган.